Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XDP — O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

● 2011-yil, 11-oktabr. Seshanba ● 122 (31.398) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

## Фан ютуқлари ва амалиёт уйғунлиги

Тошкентда кўз микрохирургиясининг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бирга Россия, АҚШ ҳамда Бельгиядан келган мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислоҳотлар соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда тиббий хизмат сифатини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Бу ўзгаришларнинг юксак самаралари офтальмология соҳасида ҳам яққол намоён бўлаётир. Ҳозир туман ва шаҳар марказий шифохоналари ҳузурида фаолият юритаётган етти юзга яқин офтальмология хоналари аҳолига бу йўналишда малакали тиббий-профилактика ва даволаш ёрдамини кўрсатмоқда. Вилоят марказлари ва пойтахтимиздаги етакчи клиникалар ҳамда тиббий-илмий марказларда кўз касалликларининг турли кўринишлари юқори технологиялар асосида даволанмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда кўз микрожарроҳлигининг жадал тараққий этиши натижасида илгарилари давоси топилмаган кўплаб хасталикларни даволаш имконияти юзага келди. Республикамизда кўз микрохирургияси соҳасида ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг шакллантирилгани ва мунтазам такомиллаштирилаётгани, шунингдек, хусусий тиббиёт тармоғини ривожлантириш учун яратилган шароитлар жаҳон тиббиётининг илғор услуб ва воситаларини чуқур ўзлаштириш, даволаш жараёнида ундан самарали фойдаланишга хизмат қилмоқда. Илм-фан ва тиббиётнинг бундай ютуқлари натижасида кератопластика, катарактани даволаш, сунъий гавҳар имплантацияси, витреоретинал жарроҳлик каби оператив даволаш усуллари кенг қўлланилмоқда.

Мамлакатимиздаги йирик илм-фан ва тиббиёт марказларидан бири — Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказида ҳар йили катаракта билан хасталанган икки ярим минг беморда юксак технологияларга асосланган оператив муолажалар ўтказилади. Марказда, шунингдек, кўз касалликларининг баъзи турларини амбулатор шароитда лазер жарроҳлик усулида даволаш ҳам йўлга қўйилган. Ушбу йўналишда тўпланган илғор тажрибани оммалаштириш мақсадида марказда катарактани даволаш бўйича микрожарроҳлик курси фаолият кўрсатмоқда.

— Ўзбекистон қадимий илм-фан ўчоғи бўлган табаррук заминдир, — дейди Бельгиядаги Антверпен университети шифохонаси директори, профессор Тассинион Мари-Жозе хоним. — Юртингизда бундан неча асрлар аввал шаклланган илм-фан мактаблари ҳозирги замонавий офтальмологиянинг бугунги тараққиёт даражасига эришишида муҳим омил бўлаётир. Масалан, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургиясининг моддий-техник базаси халқаро андозаларга тўла мос келади.

Анжуманда юртимизда офтальмология хизматининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, соҳада ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, даволаш стандартларидан самарали фойдаланиш, профилактика ва диагностика ишлари самарасини ошириш, малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги масалалар муҳокама этилди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Фракция фаолияти





Владимир ГОНЧАРЕНКО олган суратлар.



## Оилавий тадбиркорлик: ҳуқуқий асослар мустаҳкамланади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича мутасадди вазирлик ва ташкилот мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи қонун лойиҳаси тўғрисида таҳлилий маълумот берди.

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишларини демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тасдиқланган, — деди **Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ўринбосари Ботир Алимуҳаммедов.** — «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ана шу Дастур талаблари асосида ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасининг мақсади — оилавий тадбиркорлик фаолиятидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонун лойиҳасида оилавий корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини белгилаш, уларни рўйхатга олиш ва солиққа тортиш тартибини соддалаштиришга жиддий эътибор қаратилди.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, Оилавий тадбиркорлик оилавий корхона томонидан амалга ошириладиган, ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир. Оилавий тадбиркорлик шартнома тузиш эркинлиги, ихтиёрийлик ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик тамойилларига асосланади.

*(Давоми 2-бетда.)*

### Эътироф

**Юртингизнинг қадимий шаҳарлари ҳақида кўп эшитганман. Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деб бежиз айтишмас экан. Бу ерга келиб, мамлакатингиз ҳақидаги тасаввурларим янада бойиди. Бунёдкор аждодларингиз яратган тарихий обидалар мени лол қолдирди. Бир сўз билан айтганда, бу заминга мафтун бўлиб қолдим. Ёдгорликларни қайта-қайта кўргим келаверади. Шифокор бўлганим учун юртингизда мазкур соҳада амалга оширилган ишлар билан ҳам танишдим. Тизим фаолияти, жойлардаги қишлоқ врачлик пунктларининг иши замонавий талаблар асосида йўлга қўйилганига гувоҳ бўлдим».**

**Халио ПИЦАРИ,**
***(Италия).***

### Спорт

## Францияда кураш байрами

Руэй-Мальмезон (Франция)да кураш бўйича Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов соврини учун Гран-при туркумидаги учинчи халқаро турнир бўлиб ўтди. Умумий мукофот жамғармаси 15000 еврони ташкил қилувчи нуфузли мусобақада дунёнинг Франция, Ўзбекистон, Грузия, Ироқ, Молдова, Греция, Ҳиндистон, Сенегал, Португалия, Туркия, Камерун, Жанубий Африка Республикаси, Эрон сингари йигирмадан зиёд давлати полвонлари гиламга тушдилар.

Икки кун давом этган муросасиз беллашувларда ғолиблар аёллар ўртасида уч (52 кг, 63 кг, мутлақ) вазн тоифасида аниқланган бўлса, эркаклар тўртта (60 кг, 73 кг, 90 кг, мутлақ) вазн бўйича куч синашди.

Баҳсларда Мурод Дусимбетов бош мураббийлигида қатнашган Ватанимиз курашчилари ҳам муносиб иштирок этдилар. Жумладан, ўз вазн тоифаларида Олим Равшанов (60 кг), Давлат Абраев (73 кг), Шуҳрат Арслонов (90 кг) олтин, Сайёра Муҳаммадиева (52 кг), Мадина Салоҳиддинова (63 кг), Валижон Очилов (90 кг)лар кумуш медалга сазовор бўлди.

Эркаклар ўртасида мутлақ вазн тоифасида кечган финал беллашувида грециялик Василис Илиадис мезбонлар вакили Тим Адеренни, аёллар баҳсида эса франциялик Саманта Векогзен ҳамюрти Жилмо Амилинини мағлубиятга учратиб, бош совринни қўлга киритдилар.

Халқаро кураш ассоциацияси, Франция кураш федерацияси, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси, Руэй-Мальмезон шаҳар мэри ҳамкорлигида ўтказилган халқаро турнир чинакам кураш байрамига айланиб кетди. Эътиборлиси, беллашувлар якунида Португалия, Жанубий Африка Республикаси, Сенегал сингари давлатлар полвонларининг ҳам ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олганлиги кураш халқаро майдонда жадал ривожланиб бораётганлигини кўрсатиб берди.

**(Ўз мухбиримиз).**

## Муборак ҳаж сафари олдидан

**Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади.**
(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 31-модда)

Истиқлол йилларида мамлакатимизда виждон эркинлиги таъминланиб, юртдошларимиз муқаддас Ислом динининг барча арконлари, жумладан, Ҳаж зиёратини эмин-эркин, қаноат ва шукроналик билан адо этаётир.

Юртимиздан Ҳаж ва Умра ибодатларига бораётган зиёратчиларимиз сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Ватандошларимиз бу улуғ ибодатларни эсон-омон ва қулай адо этишлари учун давлатимиз томонидан барча зарур шароитлар яратилмоқда.

Пойтахтимизда Ҳаж сафарига борувчи фуқаролар билан бўлиб ўтган учрашувда шулар хусусида сўз борди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи О.Юсупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари А.Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Н.Бахтиёров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, маърифий ислом ғояларини ривожлантириш, диний бағрикенгликни қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Жорий йилда беш минг нафарга яқин юртдошимизнинг Ҳаж зиёратига бориши кўзда тутилмоқда. Улар учун қулай шарт-шароит яратиш, зиёратчилар саломатлигини муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа ташкилотлар томонидан барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳаж ва Умра тадбирларини ташкил этиш бўйича жамоатчилик кенгаши томонидан фуқароларимизга хизмат кўрсатиш ишлари мувофиқлаштириб борилаётир.

Учрашувда халқимизнинг бой миллий қадрият ва анъаналари, саховат каби инсонпарварлик туйғулари ҳожиларимиз тимсолида янада кенгроқ намоён бўлишига ҳам эътибор қаратилди. Ҳаж зиёратидан қайтганларнинг маҳалла-кўйдаги аҳил-иноқликка, тинчлик-тотувликка катта ҳисса қўшиши, барча хайрли ишларда ўрнак бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Учрашувда Ҳаж ибодатларини тўла-тўкис адо этиш, бу борадаги тартиб-қоидалар, анъана ва рукнлар, шунингдек, сафар талаблари хусусида тушунтириш берилди. Мутахассислар томонидан иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири.**



## «Afrosiyob»нинг доимий қатнови бошланди

Тошкент — Самарқанд — Тошкент йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электропоезди мунтазам қатнамоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, «Afrosiyob» электропоезди ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари қатновни амалга оширади. Эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, кейинчалик қатновлар сони яна кўпайтирилади.

Иккита бош локомотив, саккизта йўловчи вагони ва битта вагон-ресторандан иборат электропоезд жами 215 йўловчини ташиш имкониятига эга. Вагонларда ҳаво ҳарорати, йўналиш жадвали ва тезлик ҳақида компьютер таблолари орқали маълумот бериб борилади. Барча салонлар қулай ва юмшоқ ўриндиқлар, видео мониторлар, мутолаа учун чироқлар билан жиҳозланган. Йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъи назар, салонда барқарор қулай ҳарорат таъминланади. Барча вагонларда кийим илиш ва багаж учун алоҳида жойлар мавжуд. Эътиборли томони, ногирон йўловчиларнинг ҳам барча эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда, зарур шарт-шароит яратилган. Биринчи қатнов учун чиқарилган чипталарнинг барчаси сотилгани юртимизда юқори тезликда ҳаракатланувчи, юқори сервис хизмати таклиф этувчи транспорт хизматига талаб катталигини кўрсатади.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА)**
**олган сурат.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 11 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1725,79 | 1 Миср фунти | 294,28 | 1 СДР | 2733,95 | 10 Жанубий Корея вони | 15,00 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2739,20 | 1 Канада доллари | 1699,65 | 1 Туркия лираси | 954,41 | 10 Япония иенаси | 228,62 |
| 1 БАА дирҳами | 477,63 | 1 Хитой юани | 276,20 | 1 Швейцария франки | 1905,30 | 1 Россия рубли | 54,48 |
| 1 АҚШ доллари | 1754,21 | 1 Малайзия ринггити | 559,20 | 1 Евро | 2336,88 | 1 Украина гривнаси | 220,03 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

# Жамият тараққиётида

## сиёсий партиялар, хусусан, ЎзХДПнинг ўрни ва роли

**Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришда сиёсий партиялар ўрни ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг вазифалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорликда ташкил этган мазкур тадбирда асосий эътибор юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларда сиёсий партиялар, хусусан, ЎзХДПнинг ўрни ва ролини янада ошириш, электорат манфаатига оид лойиҳаларни кенг кўламда олиб бориш масаласига қаратилди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепцияда сиёсий партияларнинг таъсир кучини ошириш, ваколатларини кенгайтириш борасида муайян вазифалар белгиланган. Бу сиёсий партиялар, жумладан, ЎзХДП зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг бугунги босқичи сиёсий партиялардан ўз фаолияти самарадорлигини жиддий оширишни, депутатлар ҳар қачонгидан ташаббускор ва дадил бўлишини талаб қилмоқда. Тадбирда шу масала атрофида фикр юритилди.

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА,**
*ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:*



— «Ўзбек модели»нинг бешта тамойилига асосланган тараққиёт йўли бугун ўз мевасини бераяпти. Маълумки, мазкур тамойиллардан бири — кучли ижтимоий сиёсатдир. Бугун аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди. Бинобарин, мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳотларнинг асл мақсади — аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, кишиларни бунёдкорликка сафарбар этиш, юрт ободлигига эришишдир. Шу мақсадда ёшлар ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун замонавий билим даргоҳлари, кўркам спорт иншоотлари, барча шарт-шароит қилиб берилди, айни вақтда касб-ҳунар коллежи битирувчилари, қаровчисиз кексалар, жисмоний имконияти чекланган кишилар, хотин-қизлар ҳамда вақтинча иш ўрнига эга бўлмаганлар учун зарур қулайликлар яратилмоқда.

Асосий вазифамиз — иқтисодиётнинг реал тармоғида ишлаб чиқариш тузилмаларини яратишга кўмаклашишдан иборат. Шу боис ташкил этилаётган иқтисодий форумлар доирасида асосан оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратилди. Бу йўналишда шу кунгача 550дан ортиқ янги иш ўринлари очилди. Жисмоний имконияти чекланган фуқароларга шарт-шароит яратишга қаратилган лойиҳалар ҳисобига бу ишларни янада ривожлантириш кўзда тутилган.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш учун ўтказилаётган иқтисодий форумлар доирасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркаларида меҳнат шартномалари тузилиб, уларнинг ижроси бўйича мониторинг олиб борилаяпти.

Аммо иш ўринларининг доимийлиги, фуқароларнинг иш ҳақлари барқарорлиги ва меҳнат шароити масалаларида ЎзХДП янада изчил йўл тутиши лозим. Бунда ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларидан катта масъулият талаб этилади.

**Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ,**
*сиёсий фанлар доктори, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори:*



— Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида сиёсий партиялар ўз мавқеини амалий ишлар билан мустаҳкамлаши учун катта имкониятга эга. Бунинг учун мақсад ва позиция аниқ, қатъий ва изчил бўлмоғи зарур. Давлатимиз раҳбари илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да бу масала алоҳида қайд этилган. Концепцияни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида давлат бошқаруви демократлашишига хизмат қилувчи муҳим қонунлар қабул қилинаётгани барча сиёсий партиялар, жумладан, ЎзХДП ҳам дадил фаолият юритиши, ундан жамиятга кўпроқ наф тегиши талаб этилади.



Модомики, сиёсий партиялар ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган жараёнларнинг иштирокчиси экан, ўз қарашларида, электорат манфаати ҳимояси йўлида собит турмоғи керак. Бунда ижтимоий институтлар, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ижтимоий шерикликни такомиллаштириш яхши самара беради.

**Жўрақўзи ҚЎЛДОШЕВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:*



— Парламентдаги ЎзХДП фракцияси назорат-таҳлил ишларида қатнашиш билан бирга, қабул қилинган қонунлар ижроси мониторингида ҳам фаол иштирок этмоқда. Жойларда партия электорати муаммоларини ҳал этиш, меҳнатга лаёқатли аҳоли, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолига ижтимоий ва коммунал хизматлар кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, ҳудудий бандлик дастурларини бажаришда депутатлар таъсир кучи сезиларли даражада ошди.

Фракция аъзолари электорат манфаатини ҳимоя қилиш, ижтимоий вазифаларни бажаришда маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни тобора мустаҳкамламоқда. Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг 2010 йилги ижроси таҳлил этилиб, кўриб чиқилди. 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси бўйича тегишли вазирлик ва идораларга муайян таклифлар киритилди.

Бундан ташқари, фракция аъзолари ташаббуси билан тайёрланган «Касаначилик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича «Аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлашда касаначиликнинг ўрни, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари» мавзусида фракция йиғилиши бўлиб ўтди ва унда қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди.

«Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунга аҳолининг, айниқса, ёшларнинг соғлиғини сифатсиз маҳсулотлар истеъмол қилиш билан боғлиқ турли касалликлар ва заҳарланишлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, сифати ва нарх-наво кўрсаткичлари бўйича хорижий товарлардан устун бўлган маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, бу борадаги талабларни такомиллаштириш, халқаро меъёр ва андозаларга риоя этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида муайян ишлар қилинди.

**Нигора ЭШМЕТОВА,**
*Юнусобод туман партия кенгаши раиси, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:*



— Эркин фуқаролик жамиятининг асосий шарти шуки, у фуқаролар фаоллигини талаб этади. Шу боис, мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг қизиқиш ва имкониятидан келиб чиқиб, Ватан равнақи йўлида меҳнат қилиши, ўз қобилиятини намоён этиши учун шарт-шароит яратиб берилмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ёки жисмоний имконияти чекланган фуқаролар учун алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бу борада олиб борилган изчил сиёсат туфайли кучли ижтимоий ҳимоя тизими юзага келди ва бу халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар ва модернизациялаш жараёнида, мамлакатимиз ривожланган давлатлар қаторига киришида ҳар бир сиёсий партия, жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ўзига хос ўрин тутиши лозим.

Президентимиз илгари сурган Концепцияда таъкидланганидек, сиёсий партиялар ўз дастурининг амалга ошириш билан мамлакатдаги ижобий ўзгаришларга ҳисса қўшиши лозим. Бу, аввало, сиёсий партияларнинг мақсад ва вазифалари халқ орзу-умидлари билан муштараклигида, фуқаролар манфаатларига ҳамоҳанглигида намоён бўлиши, қолаверса, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожига қўшадиган ҳиссасида кўриниши лозим.

**Мўътабар КАРИМОВА,**
*Жиззах вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари:*



— Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатидан келиб чиқиб, партия Марказий Кенгашидан тортиб, бошланғич партия ташкилотларигача Сайловолди ва Ҳаракат дастурлари талаблари асосида янги-янги лойиҳаларни тизимли равишда ҳаётга татбиқ этиши бугуннинг долзарб масаласидир. Бизнинг вилоятда 14705 нафар партия аъзоси 423 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Электорат манфаатини тўла-тўкис ҳимоя қилишда қуйи бўғинларнинг ўрни катта. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларда фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Бунинг учун энг аввало партия аъзолари сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш талаб этилади.

Электорат муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, одамлар ишончини қозонишда Жамоатчилик қабулхонаси муҳим ўрин тутишини тажриба кўрсатди. Биз вилоятнинг чекка ҳудудларида мунтазам кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ишлашини ташкил этганмиз. Ғаллаорол, Фориш, Бахмал туманлари вилоят марказидан анча узоқда жойлашган. Бу туманларда аҳолини, айниқса, электоратимизни ўйлантираётган, қийнаётган масалаларни ўрганаяпмиз ва ечимини топишга астойдил интилаяпмиз.

Ишлаб чиқариш талаб даражасида ривожланмаган ҳудудларда аҳоли бандлиги долзарб масала бўлиб турибди. Шунинг учун касаначилик, балиқчилик ва чорвачиликни ривожлантириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлашга қўлимиздан келганча ҳисса қўшаяпмиз. Кўчма Жамоатчилик қабулхонасига Руxсора Мустафоева тикувчилик цехи ташкил қилиш масаласида ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ҳомийларни жалб этган ҳолда, масала ижобий ҳал этилди. Бугун «Рухсора сервис» кичик корхонасида кўплаб хотин-қизлар тикувчилик, каштачилик, бисер, тўқувчилик билан шуғулланмоқда. Бундай амалий ишларни кўпайтиришимиз зарур. Чунки сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва роли ғоявий мақсадларини амалга ошириш лаёқати билан ўлчанади.

**Рустам ҚОДИРОВ,**
*Сирдарё туман Кенгаши депутати:*



— Туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш, касаначиликнинг замонавий шаклларини ривожлантириш ва бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш ҳисобига уларга нисбатан аҳоли талабини қондириш йўналишларида депутатлик назорати олиб бормоқда. Масалалар бўйича таклифлар доимий комиссияларда муҳокама этилиб, сессиялар кун тартибига киритилаяпти. Туман Кенгашида 30 нафар депутат фаолият олиб борса, уларнинг 13 нафари ЎзХДП аъзосидир. Биз партия дастурий ғояларидан келиб чиққан ҳолда, жойларда аҳолини ўйлантираётган ва ечимини кутаётган муаммоларни ўрганиб, тегишли ташкилот ва муассасаларга мурожаат қилаяпмиз. Аммо уларнинг ҳаммаси ижобий ечим топаяпти, деб бўлмайди. Айрим сўровларимиз жавобсиз қолаяпти.

Шунингдек, учрашувларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун банклардан кредит олиш, иш билан таъминлаш, кичик корхоналар ташкил этиш, ер участкалари ажратиш, кўчаларни асфальт қилиш масалалари бўйича ҳам кўплаб мурожаатлар бўлаяпти. Депутатлик гуруҳи саъй-ҳаракати билан Ойбек, Муқимий номли кўчаларни асфальт қилиш туман ҳокимлигининг кейинги йил дастурий режасига киритилди. Депутатлар олдида бажарилиши лозим бўлган кўплаб вазифалар турибди. Уларни амалга ошириш биздан янада фаол ва фидойи бўлишни талаб этади.

Анжуманда сўзга чиққан бошқалар ҳам партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш бўйича таклиф-мулоҳазалар билдиришди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, хатолардан тегишли хулосалар чиқариб олиш жамият ривожида ЎзХДПнинг ўрни ва роли янада кучли бўлишини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Муродбек ЗИЁ олган суратлар.**

---

# Оилавий тадбиркорлик:

## ҳуқуқий асослар мустаҳкамланади

Оилавий корхона — иштирокчиларнинг умумий мол-мулки, шунингдек, уй-жойга бўлган умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки негизида уларнинг шахсий меҳнати асосида товарларни (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва реализация қилишни амалга оширувчи оилавий тадбиркорлик субъекти ҳисобланади. Маълумки, оилавий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир. Оилавий корхона фақат юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият олиб бориши мумкин.

Оилавий корхона таъсис шартномасига мувофиқ ихтиёрийлик асосида шакллантирилади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг ташкил этилган ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, қонун лойиҳасида оилавий корхонанинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш жойи турар-жой ва нотурар-жойлар, шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларига мулкчилик шаклида тегишли бўлган ёки улар томонидан ижара сифатида фойдаланадиган ишлаб чиқариш, хўжалик бинолари бўлиши мумкинлиги кўзда тутилган. Айрим фаолият турлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) оилавий корхона томонидан хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланаётган турар-жойлар нотурар-жойларга ўтказилиши талаб этилмайди.

Йиғилишда қонун лойиҳаси юзасидан партия фракцияси аъзолари ва фаоллар оилавий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, корхона устав фонди, оилавий корхона ва унинг иштирокчилари ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа муҳим жиҳатлар бўйича фикр-мулоҳаза билдиришди.

— Оилавий тадбиркорлик фаолиятининг қонун билан мустаҳкамлаб қўйилиши одамларимизда янгиликка интилувчанлик, бунёдкорлик ҳисси кучайишига хизмат қилади, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева.** — Демократик бозор ислоҳотлари оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг яратилаётган иқтисодий имконият ва қулайликлардан фойдаланишига кенг йўл очади. Шу боис, қонун лойиҳасида оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини имкон қадар соддалаштириш мақсадга мувофиқ.

— Оилавий тадбиркорлик тўғрисида қонун қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, ўз оиласининг ишини йўлга қўйиш ниятидаги кишилар учун катта аҳамиятга эга, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев.** — Шунинг учун мазкур қонун лойиҳаси ҳар томонлама пишиқ ва пухта бўлиши, унда оилавий тадбиркорлик фаолияти эркин ривожланишига хизмат қилувчи барча жиҳатлар эътиборга олиниши лозим. Муҳокаманинг кейинги босқичида қонун лойиҳаси юзасидан ҳудудий партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг таклиф-мулоҳазалари ҳамда фракциямиз аъзолари фикри умумлаштирилади.

Йиғилишда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан маъқулланди.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхонасида

# Мурожаатлар ҳар хил...

## уларнинг ечимини топишдан мақсад — электорат манфаатини ҳимоя қилиш

Аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, маслаҳат ва кўмакка муҳтож кишиларга амалий ёрдам бериш — маҳаллий партия ташкилотлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарининг асосий вазифаси ҳисобланади. Кўтарилган муаммони ҳал этиш орқали партиямиз электорати манфаати, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Шу боис уларнинг ҳар бири алоҳида эътибор талаб қилади.

«Олмазор» маҳалласида истиқомат қилувчи Шоира Ғаниеванинг иш жойи яшаб турган манзилидан анча олисда бўлиб, оилавий шароитига тўғри келмас эди. Уйига яқин жойдан иш топиш ниятида у Миробод туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига ёрдам сўраб келди. Партия фаоллари «Олмазор» маҳалласи ҳудудидаги болалар боғчаларига мурожаат қилди. Натижада Шоира Ғаниева илтимоси ўз ечимини топди.

Партия фаолларининг фуқароларни қўллаб-қувватлаши, мушкулини осон қилиши, жойларда учраётган муаммоларни бартараф этишидан, умуман, жамият ҳаётида фаол иштирокидан электорат манфаатдор, албатта. Бу эса партияга хайрихоҳлар сафини кенгайтиради. Йил бошидан буён туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига 25 та мурожаат тушди. Шунинг 23 таси маҳаллий ҳокимият идоралари, тегишли ташкилотлар орқали ижобий ечим топди.

— Жамоатчилик қабулхонасига тушган мурожаатлар ечими кўп жиҳатдан партия ташкилотлари, депутатлар ва мутасадди ташкилотлар ҳамжиҳатлигига боғлиқ, — дейди туман партия кенгаши раиси Василий Воргудяев. — Шунга мувофиқ, мурожаат ортидаги ҳар бир масалани ҳал этишда ҳамкорлик қиламиз. Айниқса, Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи ва тегишли ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Депутатларимиз ва партиямиз туман кенгаши фаоллари аҳоли мурожаатларида кўтарилаётган масалаларга ҳокимлик, мутасадди идора ва ташкилотлар эътиборини қаратади. Бу эса кишиларни ўйлантираётган муаммолар самарали ечим топшига хизмат қилмоқда.

Берилаётган ваколат ва имкониятлардан ўз ўрнида фойдаланиш аҳоли орасига чуқур кириб бориш имконини беради, хайрихоҳлар сафи ортишига хизмат қилади.

Жамоатчилик қабулхонасининг иш тартиби электорат билан самарали ишлаш механизми шаклланишида катта ўрин тутади. Негаки, мурожаатлар турли мазмунда. Уларни ўз вақтида кўриб чиқиш, атрофлича ўрганиш, кўмакка муҳтож кишиларга ёрдам қўлини чўзиш, амалий маслаҳат бериш орқали кенг жамоатчилик билан алоқа ўрнатилади. Электоратнинг ўз партиясига ишончи ортади.

— Иқтисодиёт йўналиши бўйича коллежни тамомлагач, ишга жойлашишда бироз қийналдим, — дейди Дилдора Қодирова. — Жамоатчилик қабулхонасига шу масалада мурожаат қилдим. Натижада партия фаоллари кўмагида Халқ банки туман бўлимига ишга кирдим. Бу менинг ХДПга бўлган ҳурматимни оширди.

— Соғлиғимни тиклаб олишимда молиявий жиҳатдан қийналдим. Партиянинг Жамоатчилик қабулхонасига ёрдам сўраб мурожаат қилдим, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси Людмила Беликова. — Илтимосим эътиборсиз қолмади. Партия вакиллари кўмаги билан шифохонада даволаниб, саломатлигимни тиклаб олдим.

Партиянинг нуфузи ва обрў-эътибори унинг жамоатчилик ичига нечоғли кириб бориши, ҳаётда учраётган муаммоларни ечишга қаратилган саъй-ҳаракати билан боғлиқ, албатта. Демак, бу жараёнда партия ташкилотлари ҳузурида иш олиб бораётган Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти кучайиши муҳим аҳамиятга эга. Мурожаатларни вақтида ва самарали ҳал этиш эртанги ютуқларга замин яратади.

**Лазиза ШЕРОВА**

Истиқлол имкониятлари

# Қишлоқ уйларида одамлар яйраб яшашмоқда

**— Биз ўниб-ўсган қишлоқ манзаралари бора-бора ўша вақтда яратилган тасвирий санъат асарлари-ю, кинофильмларда сақланиб қолади, шекилли?! — дейди миндонободлик фахрий Ҳомиджон ота. — Яқинда Тошлоқ туманидаги Ахшак қишлоғига борган эдим, кенг ва равон кўча, икки ёнида ариқ, ариқ бўйига арчалар экилган. Қурилган иморатларни айтмайсизми! Бири-биридан чиройли, шинам, ораста. Отасига раҳмат шундай гўзал қишлоқ уйлари қуриб бераётган меҳрибоннинг!**







Сўнгги пайтда бундай фикрни кўплаб дуогўй отахону онахонлардан эшитаяпмиз. Бир пайтлар пастқам ва гувала уйларда яшаб, қишда лой, ёзда чанг кўчада юргани ҳамон уларнинг эсида.

Дарвоқе, Ҳомиджон ота тилга олган Ахшак қишлоғидаги янги уйларни бориб кўрдик. Яшаш учун қулай, намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган бу уй-жойлар кишининг ҳавасини келтиради. Кенг даҳлиз, ундан ошхона, меҳмонхона, ҳаммомга ўтилади, бир томонидаги йўлакдан бориб ётоқхоналарга кирилади. Ошхона ва меҳмонхонадан айвонга эшик қўйилган.

— 2011 йили фақат бизнинг корхона намунавий лойиҳа асосида 33 та уй қуради, — дейди «Тошлоққурилиштаъмир» бош муҳандиси Муроджон Умрзоқов. — Бугунгача 2,2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Ахшак қишлоғидаги 23 та уй фойдаланишга топширилиш арафасида. Муқаддам 10 та тўрт хонали уйнинг калити эгаларига берилди.

Бу йил бунёд этилаётган уйлар лойиҳасига бир қатор ўзгартишлар киритилган. Уларда автомобиль учун ёпиқ турар-жой, қўшимча ҳовлида санузел, иситиш қозони учун бўлинма бўлади. Биз янги уйга кўчиб кирган хонадон соҳиблари билан суҳбатлашдик.

— Қувончимни қандай изҳор этай, очиғи, бундай ҳашаматли уйни хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик, — дейди Сапурахон Дадажонова. — Ўзим ўқитувчиман. Турмуш ўртоғим — оддий ошпаз. Бир пайт уй пулининг бир қисмини тўлаш, қолганини имтиёзли кредит асосида 15 йил давомида узиш мумкинлигини эшитиб ариза берган эдик, кутилмаган бахтни қарангки, оиламизга тўрт хонали уй ажратишди. Энди фарзандларимиз билан яйраб яшаяпмиз.

— Биз ҳар кунни Президентимизни дуо қилиш билан бошлаймиз, — дейди қўшни хонадонда яшовчи Мавлудахон ая Раҳимова. — Тўрт фарзанд билан кўп қаватли уйнинг икки хонали хонадонида сабр қилиб яшадик. Мана, энди ўғлим Жамолиддин, келиним Маҳфузахон уч фарзанди билан янги уйга кўчиб ўтди. Шароитни қаранг. Иссиқ-совуқ сув, ҳаммом, ошхона уй ичида. Кўчалар асфальтланган. Айланай, энди қиз набирамга совчи келса ҳам, ўғил набирамга олмоқчи бўлган келин томонидан уйкўрдига келишса ҳам ҳеч уялмаймиз.

**Фарғона вилоятида 2011 йили 32 та массивда 375 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. Бунинг учун 65,9 гектар ер ажратилган. Бу уй-жойларнинг шартнома қиймати 48,5 миллиард сўмни ташкил этади.**

Фарғона вилоятида 2011 йили 32 та мавзеда 375 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. Бунинг учун 65,9 гектар ер ажратилган. Бу уй-жойларнинг шартнома қиймати 48,5 миллиард сўмни ташкил этади.

— Бугунгача 36,1 миллиард сўм ўзлаштирилди ёки 74,5 фоиз қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, — дейди «Қишлоққурилиш инжиниринг» компанияси бўлим бошлиғи Нўъмонжон Фозилов. — Агар жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 234 та уй қуриб битказилган бўлса, учинчи чорак якунида 406 та уй-жой фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

**Яна шуни айтиш керакки, аҳоли қурилаётган уй-жой қийматини арзонлаштирилган нархда тўлайди. Бунда, биринчидан, уй таннархи қарийб учдан бирга арзон. Сабаби — ҳукумат қарори билан қишлоқ уй-жойлари қурилишига пишиқ ғишт, арматура ва цемент деярли ярим баҳода ажратилмоқда. Иккинчидан, қурилиш ташкилотига солиқ имтиёзлари берилган. Учинчидан, барча инфратузилма — газ, сув, оқова тармоқлари, электр таъминоти, йўл харажатлари бюджетдан қопланади. Шу боис қишлоқ уйларининг аҳоли тўлайдиган нархи арзонлашган.**

Давлат дастурининг яна бир афзаллиги шундаки, қурилиш индустрияси ривожланди, ўн минглаб янги ишчи ўринлари яратилди.

Буни биз боя тилга олган «Тошлоққурилиштаъмир» корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Бундан уч йил аввал ташкилотимизда 80 нафар одам ишларди. Ҳозир улар 180 тага етди. Биз илгари бир йилда атиги 1 миллиард сўмлик иш бажара олардик. Ҳозир қувватимиз 2,5 баравarга ўсди. Иш ҳажми ошгани туфайли фойдамиздан қурилиш техникаси — автокран, юк ташиш воситалари сотиб олдик, — дейди Муроджон Умрзоқов.

Ҳа, бугун Фарғона қишлоқларининг қиёфаси ўзгариб, янгиланиб, яшариб бормоқда.

Бу ўзгариш ва янгиланишлар, яратилаётган шароитлар одамларнинг ҳаётга муносабатини ўзгартирмоқда, эртанги кунга ишончини оширмоқда.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Хориж

## Ичимлик сув етишмаётганлиги боис

**фавқулодда ҳолат эълон қилинди**

***Тинч океанидаги унча катта бўлмаган учта оролдан иборат Токелау оролида ичимлик сув етишмаётганлиги сабабли маъмурият фавқулодда ҳолат эълон қилди.***



Орол маъмурияти вакилларининг айтишларича, дейилади «France Presse» АА хабарида, Янги Зеландия тасарруфидаги бу оролда ичимлик сув захиралари борса яна бир ҳафтага етади, холос.

Бу ерда 7 ойдан бери ёмғир ёғмаётганлиги айнан шу муаммони келтириб чиқарган.

Бир неча кун аввал Тинч океанидаги яна бир орол — Тувалуда ҳам ичимлик сув танқислиги юзага келгани боис фавқулодда ҳолат эълон қилинганди. Ҳозир бу ерда ичимлик сув истеъмолининг кунлик қатъий меъёри белгиланган. Ўтган ҳафта бу ерга юк самолётида истеъмол учун ичимлик сув ва денгиз сувини қайта ишлаб ичимлик сувига айлантириб берадиган минитехнологиялар етказилди.

Янги Зеландия ташқи ишлар вазирининг айтишича, Тинч океанидаги бошқа оролларда ҳам ичимлик суви билан боғлиқ муаммо юзага келмоқда.

## Фойдали ташриф бўлмаса

**корчалоннинг хорижга чиқиши тақиқланади**

***Афғонистон Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизматидан маълум қилишича, эндиликда вазирликлар ва бошқа давлат муассасалари вакилларининг хорижга ташрифи агар мамлакат учун фойдали бўлмаса, бекор қилинади.***

Мамлакат президенти ва ҳукумат қарорига кўра, Ташқи ишлар вазирлигида корчалонларнинг хорижга ташрифи мақсадини ўрганувчи ва рухсат берувчи ёки ташрифни тақиқловчи махсус орган ташкил қилинади. Ҳар бир вазирлик ёки бошқа давлат муассасаси бюджет ҳисобидан хорижга ташриф буюрувчи шахс тўғрисидаги барча маълумотлар ва ташриф мақсади баён қилинган анкетани махсус органга жўнатади. У маълумотларни ўрганиб чиқиб, рухсат бергач, бюджет ҳисобидан хорижга ташрифни амалга ошириш мумкин.

Шу кунгача ҳар бир вазирлик ўз ходимининг давлат бюджети ҳисобидан хорижга ташрифини ўзи ҳал қилиб келди.

Янги тартибнинг жорий этилиши бюджет маблағларини тежаш имконини беради.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

# Тадбиркорлар манфаати ҳимояда

**Президентимиз ташаббуси билан иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қўллаб-қувватланаётгани жойларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот салмоғи ошишига ва янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда. Айниқса, солиқ тўловлари бўйича берилган имтиёзлар хусусий тармоқ ривожида катта аҳамият касб этмоқда.**

Ҳақиқатан ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик юрт равнақи ва турмуш фаровонлигида муҳим омилдир. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури соҳа ривожига кенг йўл очди. Мулкдорларнинг ўрта синфи учун қатор имтиёзлар берилди, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича енгилликлар яратилди. Бу вазифалар ижроси кўп ишларни амалга оширмоқда. Тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари берилиши соҳада ижобий самаралар олиб келаяпти.

Ғиждувон туманидаги ишлаб чиқариш тармоқлари вилоятда етакчи ўрин тутади. Шу йилнинг биринчи ярмида 4988 та хўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинди, шундан ҳисобот топшириш мажбуриятига эга бўлганлар 1461 тани ташкил этмоқда.

— «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида солиқ хизмати зиммасига катта вазифалар юкланган, — дейди туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари Мадраим Файзиев. — Биласиз, ишлаб чиқариш тармоқлари иши бизнинг тизим билан бевосита боғлиқ. Дастурдан келиб чиқиб, аниқ чора-тадбирлар асосида иш олиб бораяпмиз. Бу эса ўз натижасини бермоқда. Бир мисол, тадбиркорлар учун яратилган солиқ енгилликлари туфайли тумандаги 125 та тадбиркорга 1510850,6 минг сўмлик имтиёз берилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг мамлакат ривожидаги ўрни беқиёс. Айнан шу тармоқ жамият учун хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратишга кўмаклашади. Солиқ имтиёзлари хизмат кўрсатиш соҳасини тараққий эттириш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, ички истеъмол бозорини замонавий хизмат турлари билан бойитишда муҳим аҳамият касб этаяпти. Ғиждувонда ташкил этилган «Мададкор Фарм» хўжалик ширкати, «Дилкушо Бисёр Бахт», «Шофиркон Жасур Рухсора», «Шахруза Наргиза» хусусий фирмалари ҳамда «Ғиждувон улгуржи савдо» масъулияти чекланган жамият савдо шохобчаларида сифатли хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилган. Солиқ имтиёзлари туфайли бу корхоналарда кўплаб янги иш ўринлари очилди. Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш бўйича 97 та терминал ўрнатган тадбиркорлик субъектларига 103520,0 минг сўмлик солиқ имтиёзи берилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида тадбиркорларга янада эркинлик бериш, текширишларни қисқартириш, давлат ва назорат идоралари уларнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашувини камайтириш борасида ҳам муҳим вазифалар белгиланган. Шунга кўра, туманда 2011 йили режали текшириш ўтказиладиган субъектлар сони 2008 йилга нисбатан 58 фоизга камайди.

**Дарвоқе, хусусий тармоқ фаолиятида учраётган муаммолар ечими бўйича тезкор чоралар кўриш мақсадида барча назорат идоралари томонидан «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилган. Шу тариқа тадбиркорларнинг 60 дан ортиқ муаммолари ижобий ҳал этилди.**

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлар манфаатини кўзлаб ҳаётга татбиқ этилаётган ўзгаришлар хусусий тармоқ тараққиётида муҳим омил бўлмоқда.

**Лазиза ШЕРОВА**



Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

## Сифат ва самарадорлик ошмоқда

***Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар Қорақалпоғистон Республикаси саноат корхоналарида ҳам ўзининг юксак самараларини бераётир.***

Нукус шаҳридаги «Nukus textile» масъулияти чекланган жамиятда трикотаж ҳамда тиббиётда қўлланиладиган бинт ва дока маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада самарадорлик ва сифатни янада яхшилаш мақсадида кенг кўламдаги реконструкция ишлари амалга оширилди. Айни кунларда бу ерда 110 киши меҳнат қилаётир.

Реклама ва эълонлар

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки**





## сервер ускуналарини етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади

**Танловда иштирок этиш тўғрисидаги аризаларни (банк томонидан белгиланган шакл бўйича) йўллаган юридик шахсларга танлов ҳужжатлари мазкур эълон чиққан сананинг эртасидан бошлаб 7 тақвим куни мобайнида компания (фирма)нинг улгуржи маҳсулот етказиб бериш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этиш шарти билан берилади.**

Олинган танлов ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифлари (оферт) қайси шаклда (почта ёки чопар орқали) жўнатилишидан қатъи назар, уларни қабул қилиш мазкур эълон чиққан сананинг эртасидан бошлаб 30 тақвим куни ўтганидан сўнг соат 17:00 да тўхтатилади.

Қуйидаги манзил бўйича ариза шакли ва танлов ҳужжатлари олинади, шунингдек, тижорат таклифлари (оферт) жўнатилади:

100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳари, Амир Темур шоҳкўчаси, 101.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Бош маъмурий биноси

Телефон: 234-42-95, Интернет-сайт: www.nbu.com
Мулоқот қилувчи шахс: Ҳамроқулова Гўзал Раҳматходжаевна.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки**





## узлуксиз таъминот манбаи (UPS) етказиб бериш ва ўрнатиш ишларини бажариш учун очиқ танлов эълон қилади

**Танловда қатнашиш учун буюртманомалар (банк белгилаган шаклда) юридик шахслардан мазкур эълон чиққан санадан кейин 6 тақвим куни мобайнида қабул қилинади.**

Танловда қатнашиш учун буюртманома юборган юридик шахсларга танлов ҳужжатлари мазкур эълон чиққан санадан кейин 6 тақвим куни давомида берилади.

Олинган танлов ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини қабул қилиш 2011 йил 16 ноябрь куни соат 15:00 да тўхтатилади.

Буюртманома шакли ва танлов ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини юбориш учун манзил:

100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101.

«Ўзмиллийбанк» Бош маъмурий биноси.

Телефон:238-56-49, Интернет-сайт: www.nbu.com
Алоқада бўлувчи шахс: Грабовец Андрей Сергеевич

## Миллий матбуот марказида

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази томонидан «Дунёда юзага келаётган ноқулай метеорологик вазиятларни эътиборга олган ҳолда, мамлакатимиз метерология тизимининг ҳолати, унинг техник базасини такомиллаштириш, марказ фаолиятининг тезкорлик ва интерактивлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишлар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Марказнинг масъул ходимлари иштирок этишди.**

# «Ўзгидрометеорология»нинг ривожланиш истиқболлари

Анжуманда Гидрометеорология хизмати маркази бош директорининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Қодиров марказ фаолияти одамлар ҳаёти ва мулкини ҳимоя қилиш, атроф-муҳит мониторингини олиб бориш ва муҳофаза этиш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, мамлакатимиз аҳолиси ҳамда иқтисодиёти хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар фаровонлигини ошириш борасидаги ишлар билан бевосита боғлиқлиги ҳақида тўхталди. Шу ўринда, Гидрометеорология хизмати маркази БМТ Мингйиллик декларациясида эълон қилинган Ривожланиш мақсадларини амалга оширишда фаол қатнашиб келаётганини эътироф этмоқ керак.

Бугунги кунда республикамизда 78 та метеорологик, 19 та гидрологик станциялар фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу жумладан, ихтисослаштирилган 3 та кўл, 3 та қор кўчки станцияси ишлаб келмоқда, уларга 129 та пост бириктирилган. Бундан ташқари, 15 авиаметеостанцияда, 1 баландлик метеокомплексида ва 1 фон мониторинг станциясида кузатувлар ўтказилмоқда.

Кейинги йилларда ахборот технологияларининг ривожланиши гидрометеорологик хизмат кўрсатиш тезкорлиги ва сифатини оширишга имкон берди. Ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда, маълумотлар ва прогноз электрон почта ва интернет орқали тарқатилмоқда. «Ўзгидромет» сайтида прогностик маълумотлар, об-ҳаво шарҳлари, сунъий йўлдошдан олинган маълумотлар, агрометеорологик, гидрологик, экологик бюллетенлар мунтазам равишда янгилаб борилмоқда.

Хусусан, гидрометеорология тизимининг техник базасини такомиллаштиришга доир кенг кўламли ишлар бажарилди. Тошкент, Нукус ва Самарқанд шаҳарларида хавфли гидрометеорологик ҳолатлардан тезкор огоҳлантириш учун янги метеолокаторларни фойдаланишга топширилиши янада ишончли ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш, авиапарвозлар хавфсизлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Мустақиллик йилларида, яъни 1993 йил 22 январда мамлакатимизнинг БМТ тизимидаги ихтисослашган ташкилот — Жаҳон метеорология ташкилоти конвенциясига қўшилгани ҳақидаги ҳужжат кучга кирди. Ушбу ҳамкорлик доирасида мамлакатимиз Гидрометеорология хизмати ҳар йили қимматли ахборот, жумладан, сунъий йўлдош орқали, аэрологик маълумотлар, турли об-ҳаво хариталари, айни пайтдаги об-ҳаво, хорижий аэропортлар бўйича қисқа муддатли об-ҳаво ахбороти ва жаҳондаги етакчи метеорология марказларидан об-ҳаво ҳақида хабарлар олмоқда.

Гидрометеорология маркази БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенциясини Ўзбекистонда амалга ошириш ишларини мувофиқлаштирмоқда, қолаверса, чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш конвенциясини амалга оширишда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Тадбир сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб олишди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

## Эртанги кун бизники, марра бизники!

# Оқ йўл, битирувчилар!

**Тошкент Халқаро Вестминстер университетида бу йилги бакалавр ва магистратура босқичлари битирувчиларига тантанали диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Еттинчи бор ташкил этилаётган анъанавий тадбирда профессор Рикки Морган-Тамосунас бошчилигидаги Лондон Вестминстер университети вакиллари, 220 нафардан зиёд битирувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этишди.**



Президентимиз ташаббуси билан 2002 йилда Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент Халқаро Вестминстер университети ташкил қилинган эди. Ўтган қисқа давр мобайнида у нафақат юртимиз, балки дунёнинг энг нуфузли олийгоҳлари қаторидан жой олди. Бугунги кунда университет халқаро ва миллий таълимнинг илғор тажрибаларини уйғунлаштирган ҳолда бизнес бошқаруви, бизнесда информацион тизимлар, халқаро ҳуқуқ, иқтисодиёт ва халқаро бизнес ва менежмент каби йўналишларда юқори малакали мутахассислар тайёрлаб келмоқда. Зеро, бу ерда талабаларга мамлакатимизнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари билан бирга, Буюк Британия, АҚШ ва жаҳоннинг турли давлатларидан келган соҳа мутахассисларининг ҳам сабоқ бериши анъанага айланган.

Тақдирлаш маросими байрамона ва анъанага хос руҳда ўтказилди. Битирувчилар эгнидаги уларнинг магистр даражасини олганлигини англатувчи либослар, уларни табриклаш учун келган ота-оналари, дўсту биродарлари, яқинлари қўлидаги анвойи гуллар, мусиқий оркестр ижросидаги ажойиб куй ва қўшиқлар, меҳмонлар учун ёзилган тўкин дастурхон... Ҳатто, университет профессор-ўқитувчилари ҳам британ удумларига мувофиқ ўзларининг илмий даражаларини белгиловчи махсус кийимлар кийишган.

— Кейинги йилларда Президентимиз раҳнамолигида юртимизда халқаро олий таълимни ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда, — дейди **Тошкент Халқаро Вестминстер университети ректори Абдумалик Жуманов.** — Бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида пойтахтимизда нуфузли чет эл университетларининг филиаллари барпо этилмоқда. Бу хайрли анъана айнан Тошкент Халқаро Вестминстер университетига асос солиниши билан бошланганлиги кишига ғурур бағишлайди. Ўтган ўн йил мобайнида бу ерда 750 дан ортиқ ёшлар таҳсил олди. Ҳозир улар энг муҳим тармоқларда хизмат қилмоқда. Айниқса, хорижлик мутахассислар битирувчиларимиз ҳақида жуда илиқ фикрлар билдиришмоқда. Хусусан, бугунги тадбирга Лондондан ташриф буюрган бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар ёшларимизнинг юксак интеллектуал салоҳияти ва қобилиятидан ҳайратда қолганликларини яширишмади. Жумладан, яқинда Буюк Британия сифатни таъминлаш агентлиги томонидан университетимизнинг кейинги йиллардаги самарали фаолияти ва эришаётган натижалари алоҳида эътироф этилганини таъкидлашди. Бугун ўз ҳаётларининг янги, яна бир поғона баланд босқичига қадам қўяётган битирувчиларимиз тўрт йил давомида олган билим ва тажрибалари билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшади, деб ишонаман.



— Энг аввало, сиздек иқтидорли фарзандларни камолга етказган ота-онангиз, устозларингизга миннатдорчилик билдираман, — деди тадбирда сўзга чиққан **Лондон Вестминстер университети проректори, профессор Рикки Морган-Тамосунас.** — Мен сизларнинг тимсолингизда нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон иқтисодиятини юксалтиришга қодир бўлган мутахассисларни кўраяпман. Дунёнинг кўплаб давлатларида бўлганман, бироқ уларнинг барчасида ҳам бугун сизларга яратилаётгандек шарт-шароит ва имкониятларни кўрмадим. Ишонинг, кўпгина мамлакат ёшлари бунга фақат ҳавас қилиши мумкин. Шундай экан, сизларга Ватанингиз, халқингиз, ота-онангизнинг юксак ишончни оқлашдек эзгу мақсад йўлида омад тилаб қоламан.

— Университетнинг бизнесда информацион тизимлар йўналишини тамомладим, — дейди **Зафар Иброҳимов.** — Бугун мен учун ёдда қоладиган кун бўлди. Кўнглимдан ҳар хил кечинмалар ўтаяпти. Бир томондан, тўрт йил мобайнида бирга таҳсил олган курсдошларим, биздан ўз билимларини аямаган устозларим билан хайрлашаяпман, бир томондан, ўзим танлаган йўналиш бўйича хизмат қилиш, юртимизда ҳали нисбатан янги бўлган бу соҳани такомиллаштиришга ҳисса қўшиш иштиёқида ёнаяпман.

— Ҳозир жуда ҳаяжондаман, — дейди **Зафарнинг онаси Омина Иброҳимова.** — Ўғлимни табриклаш учун Асака шаҳридан келдим. Ҳар қандай ота-она учун жигаргўшасининг камолини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Мана шундай чиройли, юртимиздаги энг нуфузли ўқув даргоҳида таълим олиб, уни муваффақиятли тамомлаган истеъдодли ўғил-қизлар орасида Зафарнинг ҳам борлигидан фахрланаяпман. Уни диплом олиш учун исмини айтиб чақиришганида кўзимга ёш келди. Бу ердаги битирувчиларни кўриб, Юртбошимизнинг эзгу тилаклари бугун ўз ижобатини топаётганига амин бўлдим. Ўғлимни ҳозирданоқ Асакадаги автомобиль заводининг хориж бўлимига ишга таклиф қилишмоқда.

— Яқинларим олдида Лондон Вестминстер университети проректорининг қўлидан диплом олар эканман, қалбимда чексиз фахр-ифтихор туйғулари жўш урди, — дейди **Умида Аброрхўжаева.** — Ҳозирдан келажакдаги режаларим ҳақида ўйлаяпман. Ниятим, энг аввало юртимизда бизнес бошқаруви бўйича малака ошириб, кейин шу йўналиш бўйича магистратурада таҳсил олиш. Бундан ташқари, бу борада илмий изланишлар олиб бориб, номзодлик ва докторлик диссертацияларимни ёқласам дейман.

— Хуршида менинг энг кенжа қизим, — дейди **Наима Убайдуллаева.** — Шу олийгоҳга кириш учун икки йил давомида тайёрланди. Онаман-да, баъзида унинг ўртоқлари сингари ўйнаб-кулолмаётгани, уларга ўхшаб кино ёки театрга боролмаётганидан ачиниб кетардим. Бугун эса ўша машаққатлар роҳатидан қизим билан бирга мен ҳам баҳраманд бўлаяпман. Бу университет мамлакатимиз учун керакли бўлган соҳа вакилларини етиштириб келмоқда. Мен ҳам ана шундай иқтидорли фарзанднинг онаси эканлигимдан ғурурланаман.

Дарҳақиқат, бугун Ватанимиз ёшлари, мустақиллик фарзандлари ўзларининг илмий-ижодий салоҳияти билан катта ҳаётга йўл олаяпти. Бугун ота-оналари, устозлари фахрланаётган бу йигит-қизлардан келажакда халқимиз, Ватанимиз фахр-ифтихор қилишига ишончимиз комил.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Қизлар спорти

# Ишончингизни оқлаймиз!

**Мустақиллик фарзанди бўлган Фарангиз Ҳандалова айни кунларда Денов спорт ва педагогика коллежининг 2-босқичида таҳсил олмоқда.**

Фарангиз 7 ёшидан шарқона якка курашнинг шотокан каратэ йўналиши билан шуғуллана бошлаган. Туман ва вилоят миқёсида ўтказилган турли мусобақаларда шоҳсупага кўтарилган Фарангиз 2005 йилда пойтахтимиз Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритди.

**У 2006 йилда Ўзбекистон 6-очиқ чемпионатида бронза, орадан бир йил ўтгач, кумуш медалига сазовор бўлади. 2007 йилда Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган баҳсларда биринчи ўринни эгаллайди. 2008-2010 йилларда ўнга яқин турли мусобақаларда совриндорлар сафидан жой эгаллади.**

— Жорий йил ҳаётимда унутилмас воқеаларга бой бўлди, — дейди Фарангиз Ҳандалова. — Баҳор ойида Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда болалар ва ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ўз вазнимда (+40 кг) кумуш медалга сазовор бўлдим. Ушбу беллашувларда 50 дан ошиқ давлатнинг вакиллари иштирок этишди. Унда бир йўла иккита йўналиш — якка ката ҳамда якка кумитэ баҳсларида шоҳсупанинг иккинчи поғонасини забт этдим.

Президентимиз Сурхондарёда барпо этилган спорт иншоотларини кўздан кечирганларида биз ёшларга **«Биз истеъдодли фарзандларимиз билан, уларнинг жаҳон спорт майдонларида эришаётган катта ютуқларидан ҳақли равишда фахрланамиз»,** дегандилар. Ана шу юксак ишончни оқлаш учун бор имкониятимни ишга солишга ваъда бераман...

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши партия фаоли Соли Бойматовга рафиқаси **Умринисо БОЙМАТОВА**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

## Молия муассасаларида

Реклама

# «HI-TECH BANK»:

## замонавий хизматлар кўлами кенгаймоқда




**Мамлакатимизнинг ёш молиявий муассасаларидан бири — хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки «HI-TECH BANK» иш юритишнинг анъанавий усуллари билан уйғунлашган замонавий банк технологиялари туфайли мижозларнинг ишончли ҳамкорига айланиб бормоқда.**

Чунончи, банк Ягона умумреспублика процессинг маркази (ЯУПМ) билан биргаликда «БПЦ Банковские технологии» компаниясининг «SmartVista» тўлов тизими асосида EMV стандарти бўйича тўлов тизимини муваффақиятли жорий этди. Мазкур асосда микропроцессорли пластик карточкалар чиқарилди, банкнинг тўлов терминаллари (POS-терминаллар) зарур дастурий таъминот билан жиҳозланди. Ҳозирги вақтда мазкур терминаллар DUET ва янги тизим иловасидаги пластик карточкаларга хизмат кўрсатмоқда.

Эътиборлиси, EMV стандартига ўтиш банклар учун мижозларига муайян қулайликлар яратишга ва чакана банкинг ўз хизматларини ривожлантиришга имконият беради. Шу боис ҳам «HI-TECH BANK» молиявий муассасалар орасида биринчи бўлиб «SmartVista» тўлов тизимини жорий этди.

Шунингдек, яна бир жиҳатни ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Эндиликда мамлакатимизнинг 28 банки UZKART тўлов тизимининг аъзоси ҳисобланади.

EMV стандартига ўтиш UZKART тўлов тизимининг манфаатли ва ҳаммабоп тўлов тизими сифатида янги мақом олиши учун имкон беради. Бунда ЯУПМ асосида EMV стандартини жорий этиш иқтисодий ва ижтимоий манфаатлидир.

Биринчидан, банклар процессинг марказини яратиш, шу жумладан, қиммат турадиган дастурий таъминотларни сотиб олиш, тизимни ишлатиш ва сақлаб туриш учун кетадиган каттагина харажатларни қилмайди. Иккинчидан, банкларда смс-банкинг, мобил банкинг ва интернет-банкинг каби янги маҳсулотларни жорий этиш имконияти пайдо бўлади. Учинчидан, банкларнинг транзакциялар ҳажми ошади.

**Ижтимоий манфаатлар сифатида қуйидаги афзалликларни кўриб чиқиш мумкин. Биринчидан, карточкани тўлдириш талаб этилмайди, бу банкка бориш вақтини қисқартиради. Иккинчидан, карточка ҳисобидаги маблағдан реал вақт режимида фойдаланиш мумкин. Учинчидан, ҳисобдаги пул маблағларини сақлашнинг хавфсизлик даражаси ошади, фирибгарлик сони камаяди.**

ХЁАТБ «HI-TECH BANK» жамоаси EMV стандарти бўйича тўлов тизимини англаган ҳолда жорий йил охиригача мавжуд мижозлари базасини DUET тўлов тизимидан «Smart Vista» тўлов тизимига ўтказишни, шунингдек, жорий этилган янги «Smart Vista» тизими асосида ҳар бир мижозга интернет-банкинг ва смс-банкинг хизматлари кўрсатишни режалаштирган.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Спорт

# Ўсмирларимиз ғалабалари

**Пойтахтимизда футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати «С» гуруҳи саралаш баҳслари ўз ниҳоясига етди.**

Унда Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўтказилган тўрт учрашувнинг барчасида ғалаба қозонди. Вакилларимиз Қирғизистон (7:0), Ҳиндистон (9:0), Баҳрайн (2:0) ҳамда Тожикистон (2:1) футболчиларини доғда қолдириб, келаси йили ўтадиган Осиё чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Гуруҳдаги иккинчи йўлланма ҳиндистонлик ўсмирларга насиб қилди.

# Кечиктирилган учрашувлар

**Олий лига жамоалари бир қатор кечиктирилган учрашувларни ўтказди.**

Фарғонада йигирма иккинчи турдан жой олган «Нефтчи» – «Насаф» жамоалари баҳси бўлиб ўтди. Унда мезбонлар ҳужумчиси Анвар Бердиев 53-дақиқада ҳисобни очган бўлса, орадан йигирма дақиқа ўтиб «Насаф» вакили Артур Геворкян ўртадаги мувозанатни тенглаштирди. Ўйин охиригача ана шу ҳисоб сақланиб қолди – 1:1.

Кеча йигирманчи турнинг қолдирилган яна икки ўйини бўлди. Унда «Пахтакор» — «Машъал» (1:0), «Олмалиқ» — «Навбаҳор» (0:3) жамоалари ўзаро баҳс юритди.

**Эркин ХОЛБОБО**

## ОБ-ҲАВО 11-12.10. 2011

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 21°C | 23°C |
| Самарқанд | 21°C | 26°C |
| Нукус | 20°C | 25°C |
| Қарши | 22°C | 27°C |
| Урганч | 20°C | 25°C |
| Навоий | 21°C | 26°C |
| Фарғона | 18°C | 23°C |
| Бухоро | 21°C | 26°C |
| Андижон | 18°C | 23°C |
| Наманган | 18°C | 23°C |
| Термиз | 22°C | 27°C |
| Жиззах | 21°C | 26°C |
| Гулистон | 21°C | 26°C |
| Тошкент вил. | 21°C | 26°C |
| Лондон | 15°C | 14°C |
| Париж | 22°C | 18°C |
| Москва | 12°C | 16°C |
| Мадрид | 30°C | 24°C |
| Пекин | 25°C | 24°C |
| Гонгконг | 26°C | 28°C |
| Рим | 25°C | 25°C |
| Анқара | 25°C | 26°C |
| Токио | 24°C | 23°C |
| Стокгольм | 13°C | 12°C |
| Кейптаун | 17°C | 21°C |
| Қоҳира | 25°C | 30°C |
| Гавана | 28°C | 29°C |
| Вашингтон | 20°C | 21°C |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046
10228 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633